

Ҳаё фақат яхшиликдир | Сийрат дарслари (362-дарс)



19:00 / 16 январь 443

836. Абу Саввор Адавийдан ривоят қилинади:

«У Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳунинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу ҳадисни айтаётганини эшитган экан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаё фақат яхшилик келтиради»**, дедилар». Бушайр ибн Каъб: «Ҳикматда: «Виқорли бўлиш ҳаёдандир. Сокинлик ҳаёдандир» деб ёзилган», деди. Шунда Имрон унга: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис сўзласам, сен менга саҳифангдан сўзлайсанми?!» деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

837. Абу Масъуд Бадрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар нубувватнинг каломидан англаб келган нарсаларидан бири: «Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер»дир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

838. Анас ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир диннинг ўз хулқи бор, Ислоннинг хулқи ҳаёдир»**, дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

839. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Фаҳш нимада бўлса, албатта, ўшани шарманда қилади. Ҳаё нимада бўлса, албатта, ўшани зийнатлайди»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

840. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Фақат ушбу икки нарсадагина ҳасад қилса бўлади: Аллоҳ бир одамга Қуръонни бергану, у ўша билан кечасию кундузи бедор бўлади. Аллоҳ бир одамга мол бергану, у ўшани кечасию кундузи нафақа қилади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.